

*Г. Аҳмадбек қизи,
стажёр-тадқиқотчи-изланувчи,
ТДИУ*

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНИШИДА АХБОРОТЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎРНИ

XXI асрга зиёли инсон сифатида фақат ахборот технологияларини яхши билган тақдирда қадам кўйиш мумкин. Чунки инсонларнинг фаолияти ўз вақтида ахборотга эга бўлганлигига ва ундан фойдалана олганига боғлиқ. Барча соҳаларнинг замонавий мутахассиси ахборотлашган оқимларида эркин ҳаракатланиши учун ахборотни олишни, қайта ишлашни ва уни компьютерлар, телекоммуникациялар ва бошқа алоқа воситаларида фойдаланишни билиши зарур. Ахборотни жамиятнинг стратегик йўналишини, мамлакат ривожланиш даражасини аниқлайдиган ресурси сифатида тушуниш одатий ҳолга айланмоқда. Ахборотлашув жамиятни индустриал ривожланиш кўринишидан ахборотлашган кўринишига ўтишини таъминлайди. Ахборот бозори фойдаланувчиларга барча зарурий ахборот маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этади. Уларнинг ишлаб чиқилиши эса ахборотлашган индустрияни таъминлайди.

XXI аср – замонавий тамаддунлар ривожланишининг ўзига хос босқичи ва шунга мос ҳолда жамият қиёфасининг ўзгариши даври бўлиб бормоқда. Ижтимоий ривожланишда билимнинг роли ошиб бораётганлиги янги модель – ахборот-коммуникация технологияларнинг кенг миқдорда йўлга қўйилишига асосланган билим жамияти пайдо бўлишига олиб келмоқда. Инсон ва унинг қизиқишлари энг устувор кадриятга айланди. Бу эса ижтимоий институтларнинг фаоллашувига, хусусий манфаат ва интилишларга эга бўлган эркин индивидларнинг мавжуд тизим билан алоқаси, ўзаро таъсири кучайишига, замонавий фуқаролик жамияти қиёфасини ва тизимини белгиловчи янги, бунёдкор жараёнларни рағбатлантирмоқда.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши бутун дунё ҳамжамиятида демократик давлатнинг асосий шартларидан бири деб тан олинган. Жамият сиёсий тизимининг, унинг ижтимоий институтларининг демократлашуви ахборот хизмати соҳасининг техник жиҳатдан ўсиши ва ривожланиши сабабли юз берди. Ахборот асри жаҳонда демократик ўзгаришларга зарурий шароит яратиб берди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ахборот дунёни бошқаради. Бугунги кунда бу барчага маълум. Шу сабабли, фуқаролик жамиятини тўлақонли шаклланиши асосида глобал ахборотлашув ётади. Шунини ёдда тутиш керакки, ҳар қандай жамиятнинг ахборотлашув даражаси унинг мавқеини, демократик тамойилларнинг нечоғлик амалда эканлигини белгилаб беради.

Биринчидан, жамият ахборотлашувининг кучайиши инсонларнинг сиёсий тизимга қизиқишини ўстиради ва бу ўз навбатида сиёсий тизим таъсирини оширади. Ҳокимият органлари ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, фуқароларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериб бориши, шу орқали ўз фаолиятига баҳо олиши ва уни умумий манфаатларни қондиришга

сарфлаши мумкин бўлади. Янги технологиялар жамиятни очик-ойдин бўлишига хизмат қилади.

Иккинчидан, фуқаролар давлат манфаати, шахсий манфаат, жамоат манфаати тушунчаларини англагандан сўнг, энди барча учун муҳим бўлган муаммоларни жамоавий шаклда ҳал қиладиган ва бошқара оладиган **“фаол фуқаролик”** феноменини сингдириш вақти келди. Бундай ижтимоий бошқарувнинг натижаси зарурий ахборотнинг аниқлиги ва унинг етказилишига боғлиқ бўлади. Шундай экан, бу жамият ҳаётининг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларининг кенг ёйилиши ва ўзлаштирилишини талаб қилади.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида **“фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шarti, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади,”** деб айтгандилар¹. Бугунги жамият ахборотлашуви даврда глобаллашув жараёни тобора кенгайиб бормоқда ва бу жаҳон сиёсий маконининг янгича кўриниши ва тараққий этишига таъсир қилмоқда. Бинобарин, жаҳон майдонида давлатларнинг глобал ривожланиши бу авваламбор, дунёнинг барча давлат ва халқларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик, психологик жиҳатдан биргаликдаги янгича тараққиёт босқичидир.

“Ахборотлашган жамият” концепцияси ҳокимиятни барча фуқаролар учун эркин ҳаракатини амалга оширишни назарда тутди. Давлат хизматларининг автоматлашуви, **“электрон ҳокимият”**нинг пайдо бўлиши, бу ҳаммаси **“фуқаро-давлат”** муносабатларининг демократлашувига қаратилган. Шу билан бирга, **“тўғридан-тўғри демократия”** янада кучаяди. Электрон ҳокимият фуқаролик жамияти ва давлат сиёсати ўртасида боғлаб турувчи вазифани бажаради. Бугунги кунда ҳам кўпгина ғарб давлатларида маҳаллий муниципал органлар интернетда дебатлар, мунозарали форумлар ўтказилмоқда. Бу эса маҳаллий органларнинг тўғри қарор қабул қилишига ёрдам беради.

Фуқаролик жамияти фақат қонуннинг устунлиги, одамларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эмас. Фуқаролик жамиятининг асосий кўрсаткичларидан бири бу унинг ҳокимият билан ҳамкорлик қила олиш қобилиятидир. Албатта, **“замонавий фуқаролик жамиятида фундаментал ҳуқуқлар ташкилий принцип ҳисобланиши лозим”**², уни сиёсий ўлчамларда кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Расмий соҳа ижтимоий бошқарувнинг бир кўриниши ҳисобланади, ахборот-коммуникация технологияларнинг замонавий инновацион фаоллиги шароитида эса электрон массмедиа орқали виртуал ижтимоий бошқарувни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Расмий соҳа, Хабермас фикрича, ахборот ва фикрлар

¹ Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. III. Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. 13.11.2010, 22-бет.

² Коэн Дж., Арато Э. Гражданское общество и политическая теория. М., 2003. 58-стр.

алмашинувининг ноформал тармоғи ҳисобланади³. Дунёнинг ривожланган давлатларида информацион инфраструктура жуда тараққий этганлиги сабабли, кўп ҳолларда виртуал мулоқот қилиш ва ахборот олиш кенг тарқалган. Ижтимоий бошқарувнинг айнан виртуал босқичида жамоат фикри шаклланади, кадриятлар ва замонавий даврнинг ўзига хосликлари эгалланади. Фуқаролик жамиятида ижтимоий бошқарув ўзига оммавий мунозараларнинг натижасини сингдириб, очиқлик ва тенглик принциплари асосида фаолият юритади. Натижада жамият ҳаётининг универсал плюралистик характери мустаҳкамланади. Бу вазиятда **“ахборотлашган жамият”** концепциясини ҳаётга тадбиқ қилиниши жамоатнинг расмий соҳасининг ривожидида белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Хабермаснинг расмий соҳага бағишланган ишларида демократик идеал ва ижтимоий фаол фуқароликни шакллантириш долзарб эканлиги таъкидланади. Жамият жамоат мулоҳазалари механизидан қарор қабул қилишда фойдаланиши расмий соҳанинг таъсирини кўрсатади. Аксинча ҳолатда, давлат ва йирик коорпорациялар миқёсида қабул қилинган қарорларни сиёсий партиялар ва бошқа йирик ташкилотлар турли хилдаги бўйсундирилган технологиялар ёрдамида **“рационал танқидий мулоҳазалар”**ни четлаштиришга ва массмедиа орқали ўз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳаракат қила бошлайдилар⁴. Расмий соҳанинг ривожланиш босқичини ижтимоий ўзаро муносабатлар характери аниқлаб беради.

Шуни таъкидлаш жоизки, ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши **“жамоавий ҳамкорлик”** тушунчасининг пайдо бўлишига зарур шароит яратиб беради. “Жамоавий ҳамкорлик” муҳим демократик зарурат бўлиб, шахсларнинг умумий манфаатлар йўлида бирлашуви ва муаммолар ечимини келишув асосида топиш воситасидир. Фуқаролик жамияти айнан шундай ижтимоий муносабатлар характерига асосланади.

Жамиятни ахборот ва турли хилдаги қарашлар билан таъминловчи асосий восита - эркин матбуотни ҳам унутмаслик лозим. Оммавий ахборотлашув жараёни, ахборотга тенг эга бўлиш имконияти фуқароларда масъулият ҳиссини оширишга хизмат қилади. Ахборот-коммуникация технологияларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва диний соҳаларда кенг қўлланилиши, шахснинг ўзини юксалтиришга туртки бўладиган янги бозор сегментларини пайдо бўлишига олиб келади. Ахборотлашган жамият шахснинг шаклланиши учун ҳар томонлама шароит яратади, фуқаролик жамиятида эса **“кадр”** тушунчаси муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, глобал ахборот инфраструктураси ўзини бошқарадиган, қонун ва қоидаларига эга бўлган замонавий кўринишдаги ижтимоий муносабатлар тизимини йўлга қўяр экан, бу фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида самарали ҳамкорликка шарт-шароит яратилган бўлади.

³ Хабермас Ю. Отношения между системой и жизненным миром в условиях позднего капитализма. URL: <http://zn1.boom.ru/bibl/Hbrms.htm> (дата обращения: 04.12.2009).

⁴ Хабермас Ю. Отношения между системой и жизненным миром в условиях позднего капитализма. URL: <http://zn1.boom.ru/bibl/Hbrms.htm> (дата обращения: 04.12.2009).

Бугунги кунда мамлакатимизда ахборотлашган жамият тушунчаси фақат ахборот технологиялари соҳасидаги олимлар ва мутахассислар томонидангина эмас, балки барча соҳа намояндalари, тадбиркорлар, сиёсатчи, иқтисодчи ва молиячилар томонидан ҳам кенг қўлланила бошланди. Бир томондан, бу жамиятнинг ахборотга қизиқишини билдирса, иккинчи томондан, жамиятда бўлаётган ўзгаришларга ўз хиссасини қўшаётганлиги фаол фуқаро шаклланаётганлигидан далolat беради. Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузасида Ўзбекистонда бу ижобий жараённинг чуқурлашиб бораётганлиги холисона баҳоланган. Унда шундай дейилади: **“Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.**

Бундай ташкилотларнинг обрўси ошиб, мустаҳкамланиб боргани сари фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги роли жамиятимизда тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзарo самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда”⁵.

Мамлакатимизда ҳам жамиятни ахборотлашувига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Шу мақсадида бир қанча қарор ва қонунлар қабул қилинди. Булардан, 1993, 2001, 2003 ва 2004 йиллардаги “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонун⁶, 2002 йилдаги **“Компьютерлаштириш ва информацион – коммуникацион технологияларни қўллашни янада ривожлантириш”** ҳақидаги қарор, 2004 йилдаги “Электрон ҳужжат юритиш” ҳақидаги қонун шулар жумласидандир.

Ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши инсонлар онгини ўзгартиради, мамлакатнинг сиёсатига таъсир эта оладиган, танлаган ҳар қандай соҳада ўзини кўрсата оладиган, жамият миқёсида муҳим саналган масалаларни мустақил тарзда бағрикенглик ва келишув асосида еча оладиган эркин шахслар жамиятини барпо этишга йўналтиради. Айнан шу маънода янги шаклдаги коммуникациялар янги жамоатни шакллантиради деб айтиш мумкин бўлади. Ахборотлашган жамият шахсларни ижтимоий муносабатлар тизимида

⁵ http://www.press-service.uz/uz/news/show/dokladi/konceptsiya_dalneyeshego_uglubleniya_demo/

⁶ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 252-модда; 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда); 2003 й., 2-сон, 560-модда; (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 10-модда).

ўзгартириб, уларни фаол, яратувчан шахсларга айлантиради. Бусиз эса фуқаролик жамияти мавжуд бўла олмайди.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, бизнинг мақсадимиз кучли фуқаролик жамияти қуриш экан, бу йўлда ахборотлашув жараёнларидан унумли фойдаланиш ҳал қилувчи омилдир. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қатор ғоялар, мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланганки, улар мамлакатимиз истиқболи стратегиясини белгилаб берди, бу эса фуқаролик жамияти ва ахборотлашув соҳаси ўзаро таъсирининг самарали бўлиши, ривожланган давлатларда кечаётган янги истиқболли тараққиёт йўналишларини ўзида ифодалайди.